

КЎРГАЗМА-САВДО ДЎКОНИ

Бухоро вилояти хунармандчиликни ривожлантириш марказида кўргазма-савдо дўкони очилди. Американинг хунармандларга ёрдам берувчи халқаро жамғармаси кўмагида ташкил этилган бу дўконда шаҳардаги кўли гул усталарнинг хилма-хил буюмлари намойиш этилибгина қолмай, хорижлик сайёҳларга сотиш ҳам йўлга қўйилган.


Даврон БАХРОНОВ.

МУКОФОТГА ТРАКТОР

Урганч туманидаги Ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги бошқаруви деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда алоҳида ўрнатилган илгорларни зарур техника билан таъдирлашни лозим кўрди.

Механизатор Жумамурод Шомуродовга омад қилиб бۆкди. Техника жиловкори узоқ йиллик фидойи меҳнати учун хўжалик бошқаруви томонидан "Т-28" трактори билан мукофотланди.

Рўзимбой ҲАСАН.



ЯГОНА МАКТАБ МАҚСАДИ

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат хиссдорлик жамиятига қарашли темирйўл ва техника мактабида ҳар йили 500дан зиёд йигит-қизлар билим эгаллайди. Бу ерда асосан темирйўл мутахассислари — кузатувчилар, электр тепловоз ҳайдовчилари, монёрлар таълим олишади. Мактабда таълим олиш учун барча шароитлар мавжуд. "Мамлакатимизда ягона ҳисобланган масканимиз жамоасининг мақсади битта — мустақил Ватанимиз темирйўлчилари билимини оширишдир", — дейди мактаб директори Абдувоҳид Зокиров.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

НОВОЙЖОНАДА ҚАНДОЛАТ ЦЕХИ

Конимех туманидаги нон комбинати хузурида қандолатчилик цехи иш бошлади. Ёрдамчи тармоқ сифатида қурилган мажмура цехда ҳар куни 180-200 килограмм шарқ ширинликлари тайёрланмоқда. Бу ўринда ёшларга қандолатчилик сирларини ўргатаётган Шомурод Рустамов ғайрат-шижоати каттадир. Отахон ҳозирдаёқ Фарҳод Ҳазратов, Равшан Метинов каби шогирдларига қанд-курс пиширишни ўргатди. Ушбу цехда эндиликда новот, ҳолва тайёрлашга ҳам киришилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ватанини севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 24 апрель, пайшанба № 48 (22.132).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МАХСАР ЁҒИ ФЙДАЛИ САМАРҚАНД

Нуробод туманида бултур 2,5 минг гектар майдонга махсар усимлиги экилиб, ҳосил ҳам ёмон бўлмаганди. Махсарнинг ер танламаслиги, кургоқчиликка чидамлилиги аён. Ундан олинмаган ёғ эса хуштам. Бу йил нурободликлар 6 минг гектар майдонга махсар экишмоқчи.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

БУ ДУНЁНИНГ



Кеча Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмининг Россия Федерациясига давлат таширфи бошланди.

Гельмут Коль ХДС партиясидан 1998 йилда бўлиб ўтадиган канцлер лавозими учун сайловларда номзод қилиб тасдиқланди.

Перу ҳукумати вакили «Тунак Амару» жангчилари билан музокараларда силжшига эришганлигини маълум қилди.

Жанубий Кореяда расмий таширф билан меҳмон бўлиб турган Беларус Президентли Александр Лукашенко Президент Ким Ён Сам томонидан қабул қилинди.

Латвия таширф ишлар вазири Мисрага таширф буюрди. Таширф давомида араб дунёси билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Корея Меҳнат партияси Марказий Қўмитасининг собиқ котиби Хван Дан Об Пхеньян ҳозирги пайтда ядро қуролига эга, деб таъкидлади.

Украина ва Туркменистон туркман газити Украинага етказиб бериш учун узоқ мулоқотлар шартномани имзолашни кўзда тутаёттирлар.

Тринидад ва Тобаго оролларида кучли зилзилалар содир бўлди. Уларнинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллага етди.

Осиё тараққийёт банки маълумотларига кўра, 2025 йили Осиёда 10 миллион ва ундан орттиқ киши истиқомат қилмайдиган шаҳарлар сон 20 тага етади.

Токионинг аҳоли шайдиган туманларида ерининг нархи Нью-Йоркдагидан 29 баравар ва Париждагидан 14 баравар орттироқдир.

Ўтган душанба кунини Уэльс маликаси Дияна оммага ўзининг номи билан атаган атареуалинг янги навиномийи этди. Атареуалинг янги навиномийи билан атареуалинг ўнлаб минг фунт стерлинг фойда олиши, уни ўнлаб касаллиги билан оғирган беморларни даволаш хайрия жамғармасига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: суҳбат пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

23 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ч Ёнг Ха ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган муносабатлардан мамнуният изҳор этаркан, Ч Ёнг Ханнинг юртимиздаги фаолияти икки давлат манфаатларига бирдек хизмат қилишига умид билдирди. Шарафли ҳамда

масъулиятли вазифасини бажаришида элчи жанобларига муваффақият тиллади.

Корея Республикаси элчиси айнан ўзбек диёрида фаолият кўрсата бошлаганидан гоҳ мамнун эканини изҳор этиб, ўз миссияси давомида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилажанини билдирди.

Ишонч ёрлигини топшириш маросимида таъкид ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎЗА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бугун, 24 апрель кунини соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 апрель кунини соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойе-сидида руйхатга олинад.

КУН ТАРТИБИДА: СЕССИЯ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сийсий ижроия қўмитасининг шу йил 23 апрель кунини бўлиб ўтган мажлисида республика Олий Мажлиси VIII сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланмаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан парламентдаги партия фракциясига тавсиялар масаласи куриб чиқилди.

Сийсий ижрокум қурилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ,

деб таъкидланди Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракциясининг кеча бўлиб ўтган сессияолди йиғилишида

Унда республика Олий Мажлиси VIII сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДПдан парламентга сайланган депутатларга тавсиялар масаласи куриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда музокараларда иштирок этган А. Алимбоев (13-сайлов округи), А. Орипов (233-сайлов округи), Г. Машарипов (213-сайлов округи) Олий Мажлис навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйилмаётган масалаларнинг аксарияти инсон манфаатлари билан бевосита боғлиқ эканлиги, депутатларимиз уларни рўйбга чиқариш ишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга улуш кўришлари лозимлиги айтилди. Бу бежиз эмас. 1997 йил, Президентимиз

И. А. Каримовнинг ташаббуси билан, мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди ва шу йўналишдаги катта ишлар бугун республикада олиб борилмоқда.

Йиғилишда парламент навбатдаги сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП фракциясининг умумий нуктаи назари ишлаб чиқилиб, унинг мўлжалланмаётган кун тартиби, унга киритилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлашни депутатларга тавсия бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бунда сессияда ниҳоятда муҳим масалалар курилиши, депутатлар кўпчилигининг улар юзасидан қабул қилинажак қонунлар лойиҳасини тайёрлашга фаол иштироки ҳамда уларнинг аксарияти бўйича фракция тақлифлари Олий Мажлис Котибияти

Партия ахбороти

га олдиндан тақдим этилганлиги инобатга олинди.

Йиғилиш депутатларга фракциянинг ҳар бир масалага доир нуктаи назарини сессияда ифода ва ҳимоя қилишни топшириш билан бир қаторда, уларни сессия ишининг юксак савияда ўтишига самарали ҳисса қўшишга даъват этди.

Шунингдек, 97-сайлов округидан Олий Мажлис депутати Т. Сатторовнинг ўз депутатлик фаолиятини бажариши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг уринбосари Б. Шодиева сўзга чиқди, республика Бош вазирининг уринбосари Д. Гуломов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

23 апрель кунини вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, партия фракцияларининг раҳбарлари, шунингдек, парламентда доимий асосда ишлаётган депутатлар иштирокида Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борган Кенгаш мажлисида Олий Мажлис саккизинчи сессиясига тайергарлик куриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Раисининг уринбосари Б.Бугровнинг у раҳбарлик қилаётган депутатлар ишчи гуруҳининг саккизинчи сессияга тайергарлик ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Хусусан, сессияга доир барча масалалар Олий Мажлисининг тегишли қўмиталарида жиддий ишлаб чиқилганлиги таъкидлаб утилди.

Сессия муҳокамасига киритилаётган барча қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар қўмиталарнинг мажлисларида, партия фракцияларининг ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилишларида муҳокама этилди ҳамда депутатларга барвақт етказиб берилди.

Келиб тушган тақлиф ва мулоҳазаларни урганиш ва уларни таҳлил этиш юзасидан кенг куламадаги ишлар амалга оширилди, қатор тақлиф ва мулоҳазалар ҳужжатларни қушимча равишда ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олинди.

Мажлисида сўзга чиққан Олий Мажлис қўмиталарининг раислари қонун лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар якунланганлигини ҳамда улар парламент депутатлари муҳокамасига киритишга тайер эканлигини маълум қилдилар.

Ана шулар асосида саккизинчи сессия кун тартибининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. У Олий Мажлис тасдиғига киритилди.

(ЎЗА).

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ўзбек ва жаҳон парламентаризми борасида мулоҳазалар

Бугунги кунда кенг ижтимоий муомалага кириб кетган ҳокимият тақсимоти ва у билан боғлиқ ҳолатлар тарихи ҳақида сўз кетганда аксар ҳошларда Фарб демократияси утмиш йўлига мурожаат қилиш майли сезилади. Чунинчи, француз мутафаккири Шарль Луи Монтескье (1689 — 1755) номи едга олиниб, унинг ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тизимларига тақсимлангани ва уларнинг узаро мустақил фаолият курашлари ҳамда бир-бирларини назорат этишлари ҳақидаги таълимоти ҳақида сўз кетади. Масала моҳиятига бундай ёндашувга сабаб европентизми ё Шарқ халқлари маданияти тарихига нисбатан ноҳодис ёндашуви, ҳозирча қатъий фикр айтиш қийин.

Аммо шу нарса аниқки, кўна римликлар давридаёқ «Нур Шарқ»дан» (ex oriente) тушунчаси кенг муомалага кириб кетганди. Биз бу билан Шарқ ва Фарб тарихий кечмиши, замонасини бир-бирига қарши қўймоқчи эмасмиз. Ҳақто, моҳият эътибори билан олганда, бундай тақсимотга қаршимиз. Бирок кўп йиллар давомида кишилар онига сингиб кетган маъруза тақсимотида биз ҳам намонадас бўлиш Шарқнинг муносиб уринини курашатиш ва бу йўл билан Шарқ ва Фарб халқлари доимо узаро узвий боғлиқликда, бир-бирини бойитган тарзда яшаб келганини намонадас қилиш вазифасини муҳим деб биламиз.

Инсон ҳуқуқлари поймол қилиб келинган мустамалак тузумидан қутулган дастлабки йилларда олдимизга қўйган максаллардан бири ҳуқуқий жамият куриш билан боғлиқ бўлганди. Мана, ордан олти йилга яқин вақт ўтди, ўзбек халқи тарихида биринчи Конституция (1992) қабул қилинди, умумхалқ овози йўли билан Президент, парламент

сайланди, юзлаб қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу жаранг давом этмоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда ҳуқуқий жамият тушунчасига булган муносабатимизни янги, кейинги сифат босқичига кутариш пайти келмаганмикин? Яъни, ҳуқуқий жамият куришимиз эмас, ҳуқуқий жамиятга яшашга урганишимиз керак, десак тўғри бўлмайдими? Бундай дейишимизга икки асосимиз бор: замонавий ва тарихий.

Кураямиз, дейиш билан олдига уша куриллаётган нарса битмаганлиги тани олинди. Биз кураётган масала, ҳуқуқий давлат куриш борасидаги таъкидланган мамлакатимизда сунгги бир неча йиллар давомида амалга оширилган том маънодаги тарихий тадбирларнинг аҳамиятини ерга уриши ҳеч гапмас. Зеро, жамиятимиз Конституция ва қонунлар тизими асосида бошқарилапти. Демак, биз ҳуқуқий жамиятга яшапаймиз. Биздан талаб қилинади.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси эса баъзи бирлар уйлаганидек, бизга Фарбдан кириб келгани йўқ. Узоққа бормасдан, бобомиз Амир Темур давлатимизга бош булган даврини (XIV аср) эслайлик. Катта ваколатларга эга бўлишликка қарамай Соҳибқирон давлатини тўро-тузуқларга, яъни қонунларга асосланб бошқарганлари маълум. Ё уша, Монтескье номи билан боғланган ҳокимият тақсимоти масаласини олайлик. Франциянинг атоқли улоғини ўз таълимотини XVIII асрда яратган бўлса, Ўзбекистонда Х асрдаёқ ҳокимият қонун чиқарувчи (ларгох) ва ижроия (девоилар-вазирликлар) тизим-

(Давоми 3-бетда).

Ислоҳот ва масъулият

ДЕҲҚОННИНГ БЕЛИ МАҲКАМ БЎЛСА

Катта каналлар қазилиб, сув олиб борилганига кирк йилча бўлиб қолганига қарамасдан, одамлар Қизирқини ҳамон чўл тумани деб аташади.

Чўл туманларида бўлса, даланнинг чет-чақасига қарамаслик ўзига хос анъанага айланиб қолган. Бу анъанадан Қизирқин ҳам мустасно эмас экан. Туманда, масалан, 2 мингта дала бўлса, ҳар бир даланнинг гардишларидан ўртача 0,5-0,8 гектарча ердан фойдаланилмайди.

1996 йилнинг кузида ерининг ҳар қаричидан яхши самара олиш ҳаракати кўзгалди. Бу қузгалувдан галлазорларга оз эмас, бир ярим минг гектарча ер қўшилди.

Туман ҳужаликлари деҳқонлар (пахтакор ва галлакорлар) маошидан 170 миллион сумча қарздор. Бу қарзларнинг томиринга сув қуйган нарса пахта ва галла режаларининг барбод бўлгани. Пахтадан ва

галладан олинган ҳосилнинг пасаийиб кетгани. Ҳўш, бу қоқоқликка ким айбдор: деҳқон ишламай қўйдими ё раҳбар бошқара олмаяптими. Бу галча оғирликни раҳбарлар зиммасига олишяпти. Раҳбар тўғри (адолатли) ишласа, деҳқон унинг юзини ерга қаратмайди, дейишяпти.

Қолаверса, ваъда қилиш, раҳбарлик санъатининг ҳар қирраси бўлиб қолди.

Қизирқиннинг раҳбарлари, насиб этса маошининг қарзини галламининг фаровон ҳосили билан узамиз, деб туришибди. Унча-мунча ваъдаларни эшитса ҳам эшитмасликка олишга урганиб қолган деҳқон аҳли яхши натижа раиснинг гапи билан эмас, ўзининг меҳнати билан яратилажогига кўпроқ ишониб, бу йил, тўғриси, белни маҳкамроқ боғлаб ишламоқчи.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

МАНФААТЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗЛАРИ

— муҳим аҳамиятга молик масала, деди Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси ййгилишидаги маърузада мазкур фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов. Унда*, асосан, куйидагиларга эътибор қаратилди:

Эртага ўз ишини бошлайдиган биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги, VIII сессиясида 30 дан зиёд қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда. Сессиянинг тақдир этилатган кун тартибини, унинг мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий ривож ва халқаро фаолияти учун катта аҳамиятга эга жиддий масалалардан иборат тарзда тузилганлигини ҳисобга олиб, қўллаб-қувватлаш, муҳофизат қилиш бўлади.

Маълумки, жорий йил, Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан, мамлакатимизда «Инсон манфаатлари йили», деб эълон қилинди. Республикада раҳбарияти, ҳозирдаёқ, бу соҳада қатор амалий қадамлар қўйди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг, 1997 йил 19 февралдаги қарори билан тасдиқланган, «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури» ва жойларда, уни рўйбга чиқариш бўйича, тузилган маҳаллий режаларнинг аҳамияти катта.

Парламентимизнинг VIII сессиясида инсон манфаатларини таъминлаш масаласи билан бевоқифа боғлиқ қатор қонун, кодекс ва ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этиш мўлжалланмоқда. Лойиҳалар ҳақидаги, депутатларимиз ва мутахассис-олимлар иштирокида шакллантирилган, нўқтаи назаримиз, асосан, куйидагилардан иборат.

Сессиянинг қабул қилиниши назарда тутилган кун тартибидан ўрин олган қонунлар лойиҳалари бўйича Марказий Кенгашга, фракцияимиз номига келган фикр-мулоҳазалар махсус Ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, умумлаштирилди ва улардан 100 дан ортиғи Олий Мажлис Котибиятига юборилди. Тақлифларимизнинг маълум қисми инобатга олинганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Улардан, яъни ҳали лойиҳаларда ўз аксини топмаганларидан, фикримизча, энг жиддийлари тўғрисида сизлар билан келишиб, сессияда ҳимоя этиладиган умумий нўқтаи назаримизни шакллантириш — бугунги ййгилишимизнинг асосий вазифасини ташкил этади. Барча қонунлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини асосан маъқуллаган ҳолда, уларнинг айримлари, фикримизча, ўта муҳимлари, хусусида куйидагиларни билдиришни истар эдик.

Авваламбор, «Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида. Унда «Вакил» лавозимига сайланган шахс ўз ваколат мuddати мобайнида сиёсий партияга аъзоликни ёхуд унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёки тугатишининг шартлиги тўғрисидаги қонун бор. Бир қарада, бу жуда тўғридай бўлиб кўринади. Айни пайтда, бу ерда шундай савол туғилади: нима, партияга мансублик парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятига соя ташлайдими? Устига устак, партиянинг сиёсий

сый йўли ва амалий фаолияти инсон ҳуқуқларини рўйбга чиқариш манфаатларига бўйсундирилган ва бунга тўла ҳисобга олган Конституция ҳамда қонунлар доирасида юз берадиган бўлса?! Шулар боис, мазкур масала тўғрисида, ўйлаб кўрсак, эмас бўлмас?! Бундан ташқари, мазкур Қонун лойиҳасида «Вакил», «мамлакатдаги ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини ўрнатади», — дейилади. Шу билан бирга, айтиладики, «Вакил» «фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқ-

лик сақланади. Зеро, Меҳнат кодексига биноан, меҳнат жамоаси аъзолари учун, корхона раҳбари иш берувчи ҳисобланади. Айни вақтда, Фуқаролар кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида эса раҳбарнинг ҳам, корхона мулкдорлари билан шартнома асосида ишлайдиган, ёлланма ходим бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган. Яъни, бу ерда, маълум даражада, қарама-қаршилик мавжуд бўлиб, у, кейинчалик, турли йўриқнома ёки шунга ўхшаш меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш орқали, Лойиҳадаги тегишли қонунларни йўққа чиқариши мумкин. Шу боис, Лойиҳада маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнати учун тўланадиган маблағлар ҳодимлар учун иш ҳақиға са-

қонун лойиҳаси ҳақида. Биз ушбу Лойиҳани ҳам умуман маъқуллаб, унга айрим жузъий тузатишлар киритилишини истар эдик. Жумладан, Лойиҳага «Қонунлар жаҳон юридик тажрибаси, Ўзбекистон Республикаси халқининг бой тарихий ўтмишига асосланиши, унинг хоҳиш-иродаси, миллий ва умумбашарий қадриятларни акс эттириши, улуг мақсадлар йўлида жамиятдаги турли сиёсий қучлар, ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг манфаатларини уйғунлаштиришни таъминлаши лозим», деган қонидани киритишни тақлиф қиламиз.

Фикримизча, Лойиҳада давлат органлари ва жамоат ташкилотлари санаб ўтилган моддаларнинг тегишли жойларига «сиёсий партиялар», деган сўзлар киритилиши жоиз бўларди.

Шу билан бирга, Қонун лойиҳасининг баъзи бир моддаларини, давлат тили нўқтаи назаридан, таҳрир қилиш эҳтиёжи сезилмоқда. Бу бошқа қонун лойиҳаларига ҳам тааллуқли. Ваҳоланки, қонунлардан фикрларнинг аниқрашван ифода этилиши, баён этилган қонунларни икки хил (бошқача) тушунилишига, уларнинг қарама-қарши руҳда талқин қилинишига йўл қўймаслик талаб қилинади.

Уйлаймизки, фракцияимизнинг юқорида баён этилган йўналишларда ишлаб чиқилган умумий нўқтаи назари, қонунлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифларини депутатларимиз парламентда қўллаб-қувватлайдилар. Бу бизнинг сессия ишининг самарали бўлишига, қабул қилинадиган қонун ва ҳужжатларнинг пухтапишқилигига эришишга қўшадиган ҳиссамиздир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг мамлакатимиз маънавий ва демократик янгилаштиришда партияимиз ташкилотлари иштирокини янада фаоллаштириш вазифаларини кўриб чиққан XVII пленумида фракцияимизнинг 1996 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот эшитилиб, партияимизнинг парламентчилик ишини янада такомиллаштириш, бундан бунгиги ҳаракатларимизнинг самарасини ошириш масалаларига катта ўрин берилди. Зеро, партияимизнинг дастурий гоёлари, мақсад-муддаоси, асосан, мазкур қонуний муруват вазифасида рўйбга чиқарилади.

Шу муносабат билан фракцияимиз фаолиятини кучайтириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу, бир томондан, партияимизнинг ушбу масалага эътибори даражасига, фракция ишини йўналтириш ва ташкил қилишга бориб тақалса, иккинчи томондан, ҳар бир депутатнинг ўз масъулиятига жиддий ёндошиши, ташаббускорлиги, самарали саъй-ҳаракатларига боғлиқдир. Бунинг учун, ўз навбатида, ҳар биримиз парламентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланганлигимизни унутмай, балки, депутатлик фаолиятимизда унга ҳамда фракцияимизга таянишимиз, уларнинг халқимиз олдидagi нуфузини оширишга хизмат қилишимиз зарур.

Фракцияимизнинг барча аъзолари парламентимизнинг навбатдаги сессиясининг юксак даражада ўтишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этилгандирлар.

Фракция ййгилиши

ланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар баён этилган ўз хулосасини юбориши шарт». Бу ерда ҳам шундай фикр туғилади: мабодо «Вакил» ўз ваколати бўйича «парламент назоратини» ўрнатадиган бўлса, унда, у «тавсия» эмас, балки, «кўрсатма» бериши лозим. Ёки, бордию, унинг хулосаси «тавсия» кучигагина эга бўлса, у ҳолда, «Вакил» парламент «назоратини» эмас, балки, «парламент кузатувини ўрнатади», дейилса маъқул бўларди. Лойиҳада, шунингдек, «Вакил суднинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқмайди», — дейилади. Унда «Вакил»нинг ваколатлари доирасига нималар қиради ёки ушбу қонидани қандай тушуномқ керак? Ахир, инсон ҳуқуқларининг, ҳар қандай қўриқилардаги, бузилиши, айна пайтда, суднинг ваколатига қирадиган масала ҳам эмасми? Ушбу саволлар ҳам биздан ўйлаб кўришни талаб қилади.

Сессияда муҳокама қилиниши кўзда тутилган яна бир, республикамиз барча фуқароларининг манфаатларига дахлдор, муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси» лойиҳасидир. Унинг устида охириги сессиядан кейин анча ишланганлиги, унга талай ўзгаришлар киритилганлиги сезилиб турибди. Бирок, назаримизда, Лойиҳа янада такомиллаштирилиши талаб қилади. Чунончи, жорий солиқ солиш амалиётида маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатиға ҳақ тўлашга сарф қилинган маблағларни корхона фойдаси (даромадидан олиннадиган солиқнинг солиққа тортилганлиги, бундай харажатларни ноишлаб чиқариш чикимларига қўшиш, ўйлаймизки, жуда ҳам тўғри бўлмас керак. Чунки, корхоналарда, айниқса уларнинг йириклариди, ишлаб чиқаришни раҳбарлар ва менежерларнинг фаол иштирокисиз, ўзидан ўзи бўладиган жараён сифатида, тасаввур этиш қийин. Тақлиф қилинадиган Лойиҳада ушбу зиддий қисман бартараф этилган: унда ходимлар меҳнатиға ҳақ тўлаш чикимларини солиқ солиш базасига қўшмаслик кўзда тутилган.

Бирок, бундай ёндошишда ҳам маълум даражада ноаниқ-

рфланадиган харажатларга, корхона мулкдори ёлланган ходимлар меҳнатиға ҳақ тўлашга кетадиган умумий харажатларнинг 20 фоизи чегарасида, қўшилади», деб кўрсатилса, бизнингча, тўғри бўлар эди.

«Солиқ кодекси» лойиҳасига, назаримизда, «энг кам иш ҳақини белгилаш мезони» тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Унга биноан белгиладиган «энг кам иш ҳақининг ишчи кучини қайта ишлаб чиқаришни таъминлаш, яъни инсоннинг меъёрий энг кам даражадаги физиологик эҳтиёжлари талабларига жавоб бермоғи мумкин. Бу ерда гап солиқ солиш даражасини, аниқроғи, фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган энг кам даромадлари миқдорини, ана шу мезонга мувофиқ равишда, заруратга қараб, қайта кўриб боришнинг ҳуқуқий негизларини яратиш ҳақида кетмоқда.

Ихтирочилик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун солиқ имтиёзларини жорий қилиниши кўзда тулувчи қонунларнинг ўрнатилиши, шубҳасиз, жамият ақлий салоҳиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир. Биз илм ва ижод аҳлиға ҳам, агар улар, қонунда кўрсатилган маълум давр мобайнида, умумэтироф этилган утуқлари учун, давлат ва халқаро мукофотлар билан тақдирланган бўлсалар, шундай имтиёзни белгилашни тақлиф этардик.

Шунингдек, Лойиҳада жамоат бирлашмаларининг мулкда бўлган корхоналар даромадларидан (фойдасидан) шу бирлашмаларнинг низомида белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтирилган ажратмаларини солиққа тортмаслик кўзда тутилиб, негадир, бундан касаб-ушмалари, сиёсий партия ва харажатлар чиқариб ташланган?! Жамиятимиз тарққўётининг ҳозирги масъулиятли босқичида жамоат ташкилотларидан айримларининг, хусусан, улардан, ўз моҳиятларига қўра, жамиятда пешқадам бўлишга даъват этилганларининг, жумладан сиёсий партияларнинг, молиявий имкониятларини чеклаб қўйиш мантқан тўғримикин?!

Энди, «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги

*Маъруза баён тарзида босилмоқда.

«ҚОНУН БИЗГА ҚАНОТ БЕРАДИ»

Муносабат

— дейди республика Бош божхона бошқармаси бошлигининг ўринбосари Олим Хўжаев

— Мана бир неча йилдан бери Божхона Кодекси ва Бож тарифи тўғрисидаги Қонунларнинг лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Ишонимизки, бу йил шу ишларимиз нияҳсияга етиб, муваффақиятли якун топади. Биз бошқа давлатларнинг божхона ишига доир қонун ҳужжатларидаги тажриба ва камчиликларини қўқур ўргандик.

Собиқ Иттифоқнинг бу борадаги қонунлари эскириб, умуман ҳозирги божхона ишининг ривожига маълум даражада тўсиқ бўлиб қолди. Шу боисдан мустақил Ўзбекистон божхона ишининг ҳуқуқий асослари сифатида ушбу қонун лойиҳаларининг нақадар муҳимлигини таъкидлаб утиришнинг ҳождати бўлмас керак.

— Бу қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши нафақат янгилиги билан, балки халқаро амалиётта мувофиқлиги билан ҳам аҳамият касб этади-да. Шундай эмасми?

— Ташқи иқтисодий фаолиятни юритишда жаҳон андозлари талабига жавоб берадиган бозор муносабатларига уттиш жараёни, ўз навбатида, ҳужалик алоқаларининг янги турларини ва шунга мос бўлган янги ҳуқуқий нормаларнинг жорий этилишини талаб қилади.

— Янги қонун лойиҳаларида асосан нималар кўзда тутилган?

— Энг аввало, экспортга мулжалланган ва импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имтиёз берадиган 15 та божхона режими қонун билан жорий қилинган.

Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятни ривож-

лантириш учун қулай шароитлар туғдирадиган ва божхона расмийлаштируви ишлари учун кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган божхона талбирларини жорий қилиш ва уларни соддалаштириш.

Қолаверса, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш, экспорт ва импорт божлари, акциз солиғи, қўшимча қиймат солиғи каби кенг иқтисодий бошқарув воситаларини қўллаш. Бунинг натижасида, ички бозоримиз хорижий товарлар учун очик бўлган бир шароитда, республикамиз товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш, уларни жаҳон бозорининг салбий таъсиридан асраш ва мустақил Ўзбекистонимизнинг савдо-сотик ҳамда сиёсий манфаатларини ҳимоялаш имкониятлари яратилади.

Янги қонунлар жаҳон амалиёти ва Бутунжаҳон савдо ташкилотининг халқаро савдо учун қўядиган талабларига тулиқ мос келади.

Хуллас, янги қонун лойиҳалари бож олиш қонунлари билан биргаликда божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишда ҳам аниқ ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олган.

Агар божхона қонунлари 1991 йилги Божхона Кодексида 81 та моддала ўз ифодасини тошган бўлса, бу Кодекс лойиҳасида 215 моддала ифодаланган. Эски Кодекснинг айрим моддалари янги лойиҳада бирмунча кенгайтирилиб, бутун-бутун бобларни ташкил этади.

Янги қонуннинг қабул этилиши жаҳон миқёсларида иш қуришимиз учун бизга қанот беради.



ДЕПУТАТЛАР
ФАОЛИЯТИДАН
ЛАВҲАЛАР

(Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар).



Азиз муштарийлар! Куйида таърифлари баён этилган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиш билан ўйланмани ҳал этинг.



1. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият раҳбари лавозими. 2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг маълум вақтларда чақириладиган анжумани. 3. Парламент депутатларининг

бирор сийсий партияга мансуб гуруҳи. 4. Олий Мажлиснинг муайян вазифаларини бажарадиган орган. 5. Қонун чиқарувчи Олий Давлат органи. 6. Қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ҳомаки матни. 7. Республикадаги сийсий партиялардан бири. 8. Мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилатган узгариш. 9. Олий Мажлис фаолиятини

оммавий еритувчи соҳа. 10. Олий Мажлисда бирор масала юзасидан муҳокама этилиб, қабул қилинган ва амалга ошириш лозим бўлган ҳужжат. 11. Олий Мажлис томонидан қабул қилиниб, барча учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий норма муносабатларини белгиловчи расмий қонда. 12. Депутатларнинг навбатдаги йигинига чорлов. 13. Республика парламенти аъзоси. 14. Республика Президенти томонидан чиқариладиган ва қонун

кучига эга бўлган, Олий Мажлис сессиясида тасдиқланадиган ҳужжат. 15. Маълум лавозимга сайлаш учун белгиланган шахс. 16. Сессиянинг утказилишида урнатиладиган тартиб. 17. Олий Мажлис сессиясини олиб борувчи. 18. Амалга оширилган вазифалар юзасидан парламент аъзоларига бериладиган расмий ахборот. 19. Давлат рамзи. 20. Қурилатган масала, қабул қилинаётган ҳужжат бўйича билдирилган фикр-мулоҳаза.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ.**

МИШ-МИШНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Яқинда Қашқадарёда бўлдим. Шу эл одамлари орасида: «Шаҳрисабзда бир думли чақалоқ туғилибди, у дунёга келибоқ тилга кирганмиш, қирқ кун яшаши, шу кунлар ичида талабини бажаришини айтаётганмиш,» деган гаплар юрган экан. Қарангки, бу гаплар мамлакатимиз пойтахтига ҳам яшин тезлиги-

да етиб келибди... Миш-мишларга ишонмасамда, аниқлик киритиш мақсадида Шаҳрисабзда бўлдим. Шаҳар ҳокимининг уринбосари Ғайрат Хуррамов миш-мишлар ҳақида шундай дейди: — Бу ҳаммаси булмаган гап. Шу ҳақда маҳаллий газета, радио ва телевидениеда билдиришлар бердик.

Ҳар қандай миш-мишга ишониб кетавериш яхши эмас. Халқимиз инсон манфаатлари йилида бунёдкорлик сари интиломоқда. Чехрасида ёруғликни пайқайсан, холос.

Демак, булмагур миш-мишларга урин йўқ. Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997-йил 24-апрел, payshanba № 48 (22.132).

Gazeta 1918-йил 21-iyundan chiqqa boshlagan

Бош муҳаррир Азиз СУЙОН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одижон ОЛИМЖОНОВ, Ислам ШОҒУЛОМОВ, Аслидин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи уринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир уринбосари), Алимкул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

БУЙИМПАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06. Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40. Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04. Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16. Халқро ҳаёт — 33-20-36. Санъат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20. Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80. Факс — 33-54-55.

ВИПОРТ

МУХБАРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48; Бухорода — 23-80-06; Гулистонда — 25-16-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-39-20; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 33-00-52; Тошкентда — 33-12-56; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 22-36-78; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИПМИЗ:

700000, **ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИПАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа конферн-босмахонаси.

Қорхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир **Қ. ЭШИМАТОВ**, навбатчи **Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет услида А-2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Футбол НАВБАТ ХАЛҚАРО ҲАЙИЛЛАРГА

Олий лига жамоаларининг мамлакат миллий чемпионати 8-тур ўйинларидан кейин пешқадамлар мавқеи мустаҳкамланди. Хусусан, ягона пешқадамлик қилаётган МХСК футболчилари янада илдамлаб олишди. Армиячиларнинг «Нефтчи» майдонида галаба қозонишлари майдон эгаларига қимматга тушди. Чунки, улар кейинги тўрт йил мобайнида уз ўйларидан биринчи маглубият аламини тортди. Пахтакорчилар эса уз ҳисобларига битта очко ёзишди. Улар «Дустлик» майдонида ўйнаб, учинчи дуранга «рози» бўлишди.

Энди чемпионатда 13 майга қадар танаффус бўлади. Бу пайлар мамлакат терма жамоаси Германия сафаридан қайтиб, Яманга йўл олади. У ерда вакилларимиз 9 май кuni жаҳон чемпионатининг дастлабки саралаш учрашувини утказди. Шунингдек, бу даврда МХСК футболчиларидан иборат терма жамоамиз Куроли кўчалар жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида қатнашадилар. 13-14 май кунлари булардан 9-турда МХСК — «Сугдиёна», «Бухоро» — «Нефтчи», «Зарафшон» — «Пахтакор» ҳамда «Дустлик» — «Навбахор» учрашувлари утказилади. Танаффус чоғлари муҳлислар зерикмайдилар. Ўзбекистон кубогининг 1/32 финал учрашувлари бошланган. Такрорий ўйинлар 27 апрель кuni бўлади.

Ўйинлар жадвалининг кўриниши	Ю	Д	М	Т	О
МХСК	8	0	0	22-6	24
Нефтчи	6	1	1	25-10	19
Пахтакор	5	3	0	12-3	18
Навбахор	5	2	1	20-7	17
Дустлик	5	2	1	12-5	17
Бухоро	4	1	3	13-13	13
Сугдиёна	4	0	4	10-9	12
Афросиёб	3	2	3	10-8	11
Атласчи	3	2	3	11-12	11
Косонсой	3	0	5	7-15	9
Зарафшон	2	2	4	8-11	8
Трактор	2	2	4	5-8	8
Андижон	2	1	5	7-10	7
Насаф	1	4	3	7-11	7
Чиланзор	1	1	5	2-7	4
Хоразм	1	0	6	6-22	3
Янгиер	0	3	4	5-10	3
Сурхон	0	2	3	0-15	2

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ВА АХОЛИ ДИҚКАТИГА! "ТОШШАҲАРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ СИФАТЛИ АВТОХИЗАМАТ ТУРЛАРИНИ КЎРСАТАДИ.

Хар бир хайдовчининг иш этави 5 йилдан зиёддир. Автомобиллар техник жиҳатдан соғ, ёнгли билан тўла таъминланган, турди юкларин таниши учун ихтисослашган. Тошкент шаҳри бўйича бир кунда 100 километргача юрадиган битта автомашинанинг тарифлари қуйидагича:

"ГАЗ-24" "Пикап" юк машинаси — 2600 сўм;
"ГАЗ-52" бортли машина — 2800 сўм;
"ГАЗ-52" фургон (мебель ташиш учун) — 2900 сўм;
"УАЗ-452" — 2700 сўм;
"ГАЗ-53" "Б" самосвали — 3100 сўм;
"ММЗ-4502" самосвали — 3500 сўм;
"ГАЗ-53" бортли машина — 2900 сўм;
"ЗИЛ-138" бортли машина — 3100 сўм;
"ПАЗ-672" юк ва йўловчи ташиш — 3100;
Бир кунда 150 км.гача юрадиган битта енгил



автомобилнинг тарифлари:
"Доган" — 2700 сўм;
"ГАЗ-24" — 2900 сўм;
Автобуслар:
"Икарус", "ЛАЗ", "ПАЗ" тарифлари шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташиш тарифлари шартнома асосида.
Тўлов усули — турлича.
Бизнинг манзил: Қорасув-6 мавзеси, "Аэродромная" кўчаси, 5.
Телефонлар: 96-19-32, 65-32-03. Факс: 96-16-32.

ЎЗ ҚУЛОҒИНИ ЕЙИШДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

Муқаддам султанган брансклик Н. П. машҳур расом Ван Гог жасоратини такрорлади. Тугри, маълумингиз борки, Ван Гог уз қулоғини узи кесган, бироқ ушбу хабар қаҳрамонининг қулоғини эса узининг энг яқин оғанилари зиёфатдан

сунг маст ҳолда жанжал чиқариб, ош пичоғи билан кесиб олишди ва узига едиришмоқчи бўлишди. Яхшиям хонага хотини кириб қолди. Бақириб-чақириб, ҳаммасини кучага ҳайлади. Эрини эса кесилган қулоғи билан бирга дугтирга олиб борди. У ерда қулоқ жойига тикилди. Аммо ямалган қулоқ энди қанчалик чидайди, буни вақт курсатади.

КУЛАВЕРИБ ЖАҒИ ЧИҚИБ КЕТДИ

Свердлов вилоятининг Чебаркул марказий касалхонасида одатдан ташқари воқеа юз берди. Тунда қабулхонага бир аёл жағи чиқиб кетганлиги учун мурожаат этди. Жароҳлар «жабрланувчи»нинг гапларига ишонинмади, роса текширишди, лекин бирор-бир калтакдан қуқарган еки урилган жойини топишолмади ва жағни жойига солиб қўйишди. Аёл раҳмат

айтиб уйига кетди. Сунг тунги соат ушда аёл касалхонанинг қабулхонасига яна уша «дард» туғайли мурожаат этди. Дугтирлар яна жағини солиб қўйишди ва яна қайтадан сабабини сурашди. Аёл уша аввалги гапни такрорлади, яъни дугтирлар кечасида қаттиқ қулгани учун жағи тушиб қолганини айтди. Аёл яна давом этаётган дугтирлар даврасига қайтди. Буни қарангки, тонга яқин учинчи бор дугтирхо-

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

нага келди. Бу сафар ҳам уша эски дард билан. Фақат бу фард дугтирларга билан келди — кулавериб жағи тушганини дугтирларга исботлаш учун.

ИХТИРОСИ ҚИМ-МАТГА ТУШДИ

Ҳар доим ихтирочилар ихтироси қоникарли баҳоланамиди? Бу саволга сингапурлик 44 ёшли механик Фу Меу Сена «Йуқ» деб жавоб беради. Негаки, у уз ихтироси учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 200 доллар жарима билан «сийланганидан» хафа. Гап шундаки, Фу Меу аёллар юбкаси остини сурутта олиш учун кичик видеокамера сотиб олди. Камера объективини юқорига қаратиб сумкага жойлаштиди, савдо расталарида харид қилаётган аёллар олдига бориб, сумкани уларнинг оёқлари-га яқин тутиб турарди (бу пайтда камера ишлатган бўлади). Шундай йусинда бир неча марта сурутта олди. Бир кун яна шу «ихтироси» билан шуғулланаётган эди, хавфсизлик хизмати ходимлари ундан шубҳаланиб, қулга олишди. Кассетани қуйиб қуриш-гач, Фу Меунинг иши, тугрироғи, ихтироси равшанлашди-қуйди. Суднинг жарима билан жазолаштига эса тоқат қилолмади «ахир мен ҳеч кимга зиён ва зарар етказганим йуқ-ку» дея узини оқламақчи бўлди, бироқ жазо ҳаққоний эканлигини қўпчилиқ унга тушунтириб қуйди.

Тошкент вилоят «Тадбиркор» банк жамоаси банк бошқарма бошлиғи О. К. Иминовга отаси **КАРИМЖОН ОТА ИМИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилди.

ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ УЧУН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА МУКОФОТИГА ТАНЛОВИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 15 июлдаги 252-рақамли қарориди белгиланган тартибда энг яхши дарелик ва ўқув қўлланмалари учун Республика мукофотига танлов эълон қилинади. Мукофотлар гуманитар ва табиий фанлар бўйича айрим-айрим ҳолда берилди. Хар бир мукофот миқдори Ўзбекистон Республикасидаги энг кам маош миқдорининг 40 баробари миқдориди белгиланган.

1. Республика мукофоти учун республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари талабларига мувофиқ олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун ёзилган дарелик ва ўқув қўлланмалари тавсия этилади.
2. Дарелик ва ўқув қўлланмалари мазмунининг янглиги, аниқ ва тушунарли тарзда ёзилган бўлиши, замонавий маданият-маънавий кадриятларига, иқтисодиёт, фан, техника, илмий ютуқларига зид бўлмаслиги керак.
3. Республика мукофоти тавсия этилаётган асарлар камида 2 марта нашрдан чиққан бўлиши лозим, шу билан бирга мукофотга тавсия этилаётган вақт билан асарнинг сўнгги марта чоп этилган вақти орасидаги муддат 1 йилдан кам бўлмаслиги керак.
4. Қуйидагилар дарелик ва ўқув қўлланмаларини Республика мукофоти тавсия этиш ҳуқуқига эга: — қайси муассаса тасарруфида эканлигидан қатъи назар барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари; — ЎзРФА илмий муассасалари, вазирликлар, муассасалар ва мукофотга тавсия этилаётган адабиётлардан фойдаланишда манфаатдор бўлган бошқа ташкилотлар; — айрим олимлар, машҳур маданият арбоблари ва бошқалар.
5. Энг яхши дарелик ва ўқув қўлланмасига Республика мукофотини бериш сентябрь ойи бошларида эълон қилинади, яъни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ва Билимлар кунига бағишланади.
6. Танлов учун келган дарелик ва ўқув қўлланмалари, уларга тегишли ҳужжатлар шу йилнинг 10 майгача қабул қилинади.
7. Танлов учун ҳужжатлар олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига тавсия этилади.

Манзилгоҳ: Тошкент ш. 700011, "Пахтакор" кўчаси, 3 - уй, 14- хона, тел: 41-28-40 .